

Кадрлар тайёрлаш бўйича қўшма қарор имзоланди



"Ўзавтойўл" Давлат аксиядорлик компанияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими маркази билан биргаликда, коллежларни битираётган ёшларни иш билан таъминлаш, Ўзбек миллий автомагистралини ривожлантириш ва реконструкция қилиш ҳамда республиканинг йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантиришда кичик мутахассисларга бўлган талабни янада қондириш мақсадида Қўшма қарорга имзо чекилди.

Ушбу қўшма қарор билан:

- "Ўзавтойўл" ДАК томонидан республика ҳудудларидаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш юзасидан таклиф этилаётган касблар ва ихтисосликлар рўйхати;
- "Автомобил йўллари ва йўл қурилиш машина механизмлари йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш дастури";
- юқоридаги Дастурни бажариш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

"Ўзавтойўл" АК матбуот хизмати